

НИЗАМИДДИН УСМАНОВ,  
КАМОЛАХОН МУХИДДИНОВА

# КИЧИК МАКТАБ ЁШИДАГИ ЎҚУВЧИЛАРГА МИЛЛИЙ ҒОЯНИ СИНГДИРИШНИНГ ДИДАКТИК ТИЗИМИ



ТОШКЕНТ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ  
ВАЗИРЛИГИ**

**А.ҚОДИРИЙ НОМИДАГИ ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ  
ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

**К. МУХИДДИНОВА**

**КИЧИК МАКТАБ ЁШИДАГИ  
ЎҚУВЧИЛАРНИ МИЛЛИЙ  
ТАРБИЯЛАШ АСОСЛАРИ**

**ТОШКЕНТ – 2014**

**УЎК: 337.1.001.76**

**КБК 74.200.50**

**M-96**

**M-96**

**Мухиддинова К. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларни миллий тарбиялаш асослари. Ўқув-услубий қўлланма. –Т.: «Fan va texnologiya», 2014, 40 бет.**

**ISBN 978–9943–4492–6–8**

Ушбу ўқув-услубий қўлланма талабалар, ўқи-тувчилар, илмий изланувчилар ва мураббийларга мўлжалланган бўлиб, унда кичик мактаб ёшидаги (1-4-синфлар) ўқувчиларни миллий тарбиялашнинг мазмун-моҳияти, инновацион технологиялардан фойдаланиш асослари ҳамда уларни миллий тарбиялашда маънавий-маърифий ишларнинг аҳамияти ва урф-одатлар асосида тарбиялаш асослари таҳлил қилиб берилган.

**Масъул муҳаррир:**

**Усманов Н.У.** – филология фанлари номзоди, доцент

**Тақризчилар:**

**Маҳкамов У.И.** – педагогика фанлари доктори, профессор;

**Кушвақтов Н.Х.** – педагогика фанлари номзоди.

*Ўқув-услубий қўлланма А.Қодирий номидаги Жиззах давлат педагогика институти илмий Кенгашининг 2014 йил 29 майдаги 9-сон қарори билан нашрга тавсия этилди.*

**ISBN 978–9943–4492–6–8**

© «Fan va texnologiya» нашриёти, 2014.

---

---

## КИРИШ

Ўзбекистонда таълим – тарбия тизимида мустақиллик йилларида ёш авлодни ақлий, ахлоқий, маънавий ва жисмоний жиҳатдан баркамол қилиб вояга етказишни мужассам этувчи миллий тарбия йўналиши қайта тикланди. Бунда айниқса, мамлакатимизда янги таълим – тарбия моделини таъсис этган «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»нинг аҳамияти каттадир. Чунки Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек, «бу дастур ҳаётда ўз фикрига, ўзининг қарашлари ва қатъий гражданлик позициясига эга бўлган, ҳар томонлама етук ва мустақил фикрлайдиган шахсни шакллантиришни мақсад қилиб қўяди»<sup>1</sup>. Бунинг учун миллий тарбияни янгича ёндашувлар асосида ташкил этиш асосий вазифалардан ҳисобланади.

Бугунги кунда Республикамизда 9980 дан ортиқ янги умумтаълим мактаблари фаолият юритмоқда. Амалдаги умумтаълим мактаблари тизимида бошланғич синф ўқувчиларига бериладиган таълим ва тарбиянинг сифатини оширишга катта эътибор қаратилган. Президентимиз Ислам Каримов томонидан 2014 йил «Соғлом бола йили» деб эълон қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Соғлом бола йили» Давлат дастури тўғрисида»ги Қарори қабул қилинди. Бу дастур жорий ва келгуси йилларда амалга оширилиши режалаштирилган ишларни ўз ичига олади. «Соғлом бола йили» Давлат дастурида бошланғич синфларда ўқитиш сифатини янада ошириш чоралари белгиланган. Жумладан, 1-4 синф ўқувчилари учун ўқув дастурлари ва дарсликларни қайта кўриб чиқилиши, шунингдек, тегишли услубий қўлланмалар ишлаб чиқилиши назарда тутилган.<sup>2</sup>

Шу маънода бошланғич синф ўқувчиларини миллий тарбиялаш ва бунда замонавий педагогик технологиялардан унумли фойдаланишга бўлган эҳтиёж юқори бўлиб турибди.

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Юксак салоҳиятли авлодни тарбиялаш – энг муқаддас мақсад.-Т.: «Ўзбекистон», 2012. 8-бет.

<sup>2</sup> «Халқ сўзи» газетаси 2014 йил 19 феврал

Чунки миллий тарбия асос эътибори билан ёш авлодни жамият талабларига мос равишда вояга етказиш омили ҳисобланади. Миллий тарбия «ижтимоий – тарихий, қонуний ва объектив жараён сифатида»<sup>3</sup> кичик мактаб ёшидаги (1-4-синфлар) ўқувчиларини ҳар томонлама етук шахслар қилиб тарбиялашда муҳим асос ҳисобланади. Зеро, мазкур қўлланмада қуйидагиларга эътибор қаратилган: биринчидан, кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларни миллий қадриятларимиз, урф-одатларимиздан фойдаланиб миллий тарбиялаш ижтимоий – педагогик зарурият эканлиги; иккинчидан, бу ишда замонавий технологиялардан фойдаланиш долзарб масала бўлиб турганлиги; учинчидан, миллий тарбия бошланғич синф (1-4 синфлар) ўқувчиларини вояга етказишда маънавий меросимиз, миллий урф-одатларимиз, анъаналаримизга асосланишини назарда тутиши; тўртинчидан, кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларни миллий тарбиялашнинг инновацион технологиясини яратиш муҳимлиги; бешинчидан, бу муаммо жамиятимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида асосий вазифалардан ҳисобланиши.

Мазкур қўлланмага доир фикр-мулоҳазаларингизни кутиб қоламиз.

---

<sup>3</sup> Қуронов М. Миллий тарбия. –Т.: «Маънавият», 2007. 9-бет.

---

---

# І БОБ. БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИ МИЛЛИЙ ТАРБИЯЛАШНИНГ ПЕДАГОГИК АСОСЛАРИ

## 1.1. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларни миллий тарбиялашнинг мазмуни

Миллий тарбиянинг маъно – мазмуни, мақсади ва йўналишларини белгилаб олиш, бошланғич синф ўқувчиларини миллий тарбиялашнинг педагогик асосларини такомиллаштириш долзарб вазифалардан биридир.

Бугунги кун тарбия назариясида *миллий тарбия* илмий-педагогик атамасига дуч келаяпмиз, аммо бу соҳада қандай ишлар амалга оширилмоқда, миллий тарбиянинг мазмуни нималардан иборат?

Тарбия – шахсда муайян жисмоний, руҳий, ахлоқий, маънавий сифатларни шакллантиришга қаратилган амалий педагогик жараён.

Миллий тарбия эса – маълум бир шахс ёки халқнинг жамиятда комил инсон бўлиб шаклланиши учун шахсда миллий мафкура, миллий ғурур, миллий онг кабиларни шакллантириш жараёндир. Педагог олимларимиздан профессор Муҳаммад Қуронов миллий тарбия тушунчасига қуйидагича таъриф берган: «Миллий тарбия» тушунчаси кўп қиррали тушунча бўлиб, у:

- миллий кадриятлар асосида олиб борилувчи мақсадга йўналтирилган тарбиявий фаолият;
- умуминсоний тарбиянинг ҳар бир халққа хос ва мос бетакрор шакли;
- халқ ва унинг маданиятини сақлаб қолиш, тиклаш ва ривожлантириш воситаси;
- Кадрлар тайёрлаш миллий дастури мақсад, вазифа ва тамойилларининг таркибий қисми;
- турли миллатлар болаларини ҳар томонлама ривожлантириш жараёнининг хусусий, маънавий манбаи;

- ўқувчиларни ахлоқий, меҳнатсеварлик, ватанпарварлик, гўзаллик, иқтисодий, экология ва бошқа йўналишларда тарбиялашнинг бош тамойили;

- миллатлараро мулоқот маданиятини тарбиялаш ва бунинг натижасида Ўзбекистонда умумфуқаровий тотувликка эришишнинг инсонпарварона йўли ва воситаси;

- ижтимоий тарбия ва мактаб тарбияси уйғунлигининг педагогик шартидир.<sup>4</sup>

Диққат қилинса, бу таъриф миллий тарбия тушунчасининг маъно-мазмунини тўлиқ қамраб олган. Чунки миллий тарбиянинг ўзаги *миллийликдир*. Миллий тарбия ёш авлодларда ўзининг ва ўзга халқларга ҳурмат, миллий ғурур, ватанпарварлик сингари фазилатларини шакллантиришга хизмат қилади. Бир миллатга мансуб кишилар учун умумий бўлган фазилатларни ўзида мужассамлаштирган миллий шахс сиймоси мавжудлигини А.Кардинер қуйидагича таъкидлайди: «Миллий шахс»нинг шаклланишида, энг аввало, оиланинг миллий-тарбиявий таъсирини, ундан кейин ижтимоий тарбия омилларининг роли беқиёсдир.<sup>5</sup> Зеро миллий тарбия деганда ёш авлодни ўз халқига хос миллий фазилатларни ўзида мужассам этган шахс сифатида шакллантириш учун таълим ва тарбия бериш деб тушуниш мумкин.

«Миллий тарбия» тушунчасидаги «миллий» сўзининг маъноси муайян халққа хос бўлган усусиятлар мажмуини, «тарбия» сўзи эса авлодлараро ижтимоий – тарихий ва ҳаётий тажрибани узатишга хизмат қиладиган маънан баркамол инсонни шакллантириш ва такомиллаштириш жараёнини англатади. Шу маънода шундай таърифни шакллантириш мумкин: *миллий тарбия* бу – муайян халқнинг ёш авлодни ўз анъаналари ва ҳаётий тажрибаси асосида баркамол вояга етказиш жараёнидир. Демак, миллий тарбия – маълум бир шахс ёки халқнинг жамиятда комил инсон бўлиб шаклланиши учун зарур бўлган миллий мафкура, миллий ғурур, миллий онг кабиларни таркиб топтирувчи таълим ва тарбия жараёндир

Миллий тарбияга қуйидаги асосий хусусиятлар хос бўлади:

<sup>4</sup> Куронов М. Миллий тарбия. –Т.: «Маънавият», 2007. 14-бет.

<sup>5</sup> Жўраева Ш. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларга таълим беришда мультимедиа воситаларидан фойдаланиш. –Т.: «Фан ва технология», 2013. 31-бет.



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi <https://kitobxon.com/uz/asar/110> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси <https://kitobxon.com/uz/asar/110> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию можно найти на сайте <https://kitobxon.com/ru/asar/110>